



Одатдагидек қишлоқнинг белгиланган жойига автобус келиб тўхташи билан бир гуруҳ кизлар ўриндиқлардан жой олишди. Ҳамкасб дугоналар — Шахло Ашурова, Гулноз Раупова, Насиба Нарзуллаева, Гулжамол Саидова сингари уялаб ёшлар йўл-йўлакай бир-бирлари билан бунунги режалар ҳақида ўзаро фикр алмашиб, манзилга қандай етиб келганларини ҳам билмай қолишди. Автобус пештокига «Бухорогилма» ўзбекистон — Буюк Британия қўшма корхонаси» деб ёзилган дарвоза олдида тўхтади.




Бу — олимликка даъвогар инсоннинг фикри. Айнан маънавият билан чамбарчас боғлиқ фаолият кишининг бу борада бош қотирмаганлигини қандай тушуниш мумкин?! Маънавиятни қалбидан ҳис қилмаган, англамаган одам қанақа қилиб илмий иш ёқлайди? Ёқлаб кетар, аммо бу «тадқиқот» илмда қанчалик аҳамият касб этади?



— Ҳозирги ёшларнинг ҳар соҳада омир-корлигини Муборак танлов давомида намойиш этди, — дейди бош ҳамшира Ойшахон Қудратова. — У ҳайъат аъзоларининг кўп саволларига пухта жавоб берди. Хусусан, «Олма тераётган қиз» рақси йиғилганларнинг олқишига сазовор бўлди.

Insonga naf keltirish — oliy baxt



Ishonch

Илмдан бир шуъла дилга тушган он, Шунда билурсанким, илм бепоеён. Абулкосим ФИРДАВСИЙ

2008-йил 11-noyabr, seshanba №138 (2551)

Ўзбекистон касба уюшмалари Федератсияси газетаси

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

«МИКРОКРЕДИТБАНК» АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИНИНГ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ БОРАСИДАГИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

«Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкининг капиталлашуви даражасини янада ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ташкил эта бошлаш ҳамда жадал ривожлантириш учун қўлай шарт-шароитларни яратишда банкнинг иштирокини кенгайтириш, яқна тартибдаги меҳнат фаолиятини активлаштириш ва касаначиликни ривожлантириш ҳисобига аҳоли бандлигини ошириш, тадбиркорлик субъектларининг мини-технологияларни ва замонавий технологик ускуналарни харид қилиш, ички ва ташқи бозорларда рақобатбардор маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш учун имтиёзли кредитлардан кенг қўламда фойдаланишларини таъминлаш мақсадида:

1. «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки акциядорлари, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банкнинг 2008-2009 йилларда «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкининг устав капиталини 1-иловага мувофиқ қўшимча 72 млрд. сўмга кўпайтириб, унинг умумий миқдорини 150 млрд.сўмга етказиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Қуйидагилар «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкининг асосий вазифалари деб ҳисоблансин:

мақсадли имтиёзли кредитлар ажратиш орқали янги корхоналар ва иш ўринларини яратиш учун бошланғич капитални шакллантиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка, айниқса, қишлоқ жойларда қўмаклашиш;

тадбиркорлик субъектларига ўз фаолиятини кенгайтириш ҳамда хомашё ва материалларни кейинчалик қайта ишлаш учун харид қилиш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш, ички бозорни республика миқдарида ишлаб чиқарилган товарлар билан бойитиш, шунинг ҳисобида қўшимча иш ўринлари яратиш ва аҳоли даромадларини ошириш мақсадида ўз айланма маблағларини тўлдириш учун имтиёзли кредит маблағларидан фойдаланишларига кенг йўл очиб бериш;

тадбиркорлик субъектлари томонидан корхоналарни техник ҳамда технологик жиҳозлаш ва модернизация қилиш учун замонавий ускуналар ва мини-технологияларни, шу жумладан, микролизинг шартлари асосида сотиб олишлари учун шарт-шароитлар яратиш;

фермер ва деҳқон хўжалиқларига қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича мини-технологияларни, чорва мол, уй парандалари, уруғлик ва кўчатлар сотиб олишга, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш, сўғориш, тупроққа ишлов беришининг замонавий технологияларини жорий этишга микрокредитлар ажратиш ва микролизинг бўйича хизмат кўрсатиш;

тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқариладиган рақобатбардор маҳсулотлар кўргазма, ярмаркаларини ташкил этишда, реклама кампанияларини ўтказишда, шунингдек, уларни ташқи ва ички бозорларга олиб чиқишнинг бошқа шакллари ташкил қилишда тадбиркорларга ёрдам бериш;

банк мижозларига барча турдаги банк хизматларини кўрсатиш, янги банк маҳсулотларини амалиётга жорий этиш, тадбиркорлик субъектлари ва аҳолининг шаҳар ҳамда қишлоқ жойлардаги банк хизматларидан кенг қўламда фойдаланишларини таъминлайдиган филиаллар ва мини-банклар тармоғини кенгайтириш;

микрокредитлаш ва микролизинг бўйича хизматлар кўрсатишни кенгайтириш учун жалқаро молия институтлари ҳамда етакчи хорижий банкларнинг имтиёзли кредитлари, инвестициялари ва грантларини жалб этиш.

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Молия вазирлиги ва «Микрокредитбанк» АТБнинг «Микрокредитбанк» АТБ томонидан: тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун 18 ойгача муддатга бериладиган энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқдоридagi имтиёзли микрокредитлар бўйича максимал ставкани йиллик 5 фоиздан 3 фоизга;

кичик бизнес субъектлари фаолиятини кенгайтириш ва айланма маблағларини тўлдириш учун 24 ойгача муддатга бериладиган энг кам иш ҳақининг 500 баробари миқдоридagi микрокредитлар бўйича - Марказий банк томонидан қайта молиялаштириш ставкасининг 100 фоиздан 50 фоизга;

кичик бизнес субъектлари учун 3 йилгача муддатга бериладиган энг кам иш ҳақининг 2000 баробари миқдоридagi имтиёзли микролизинг хизматлари бўйича максимал ставкани йиллик 7 фоиздан 5 фоизга тушириш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

Бунда тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун аввал олинган микрокредитлар ва унга қўшилган фоизларини ўз вақтида ва тўлиқ қайтариб берган тадбиркорлик субъектлари бизнесни янада ривожлантириш учун кейинги микрокредитларни олиш ва «Микрокредитбанк» АТБ хизматларидан фойдаланишда устунлик ҳуқуқига эга бўладилар.

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига зарур ҳолларда кичик бизнес субъектлари ва хусусий тадбиркорликнинг кенг миқсдада қўллаб-қувватлаш учун «Микрокредитбанк» АТБга имтиёзли шартларда кредитлар бериш тавсия этилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида» 2006 йил 5 майдаги ПФ-3750-сон Фармониغا 2-иловага мувофиқ ўзгариш ва қўшимчалар киритилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирликлар ҳамда идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган қўшимча ва ўзгаришлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритилсин.

7. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Раиси Ф.М.Муллажонов зиммаларига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ Тошкент шаҳри, 2008 йил 10 ноябр



С.Зайниддинов олган сурат

Тадбир

Яқинда касба уюшма ташкилотларида узок йиллар ишлаган танишим билан суҳбатлашиб қолдим. Суҳбат мавзуси аъзолик афзаллигини асослаш масаласига келганда: — Бунда асосий вазифа бошланғич ташкилотлар зиммасига тушади. Уларнинг фаолиятларига қараб ташкилотимизнинг мавқеи ўлчанамди. — деб гапни мухтасар қилди.

Бошланғич ташкилотлар мавқеи

ишимиздаги муваффақиятни белгилайди

Куни кеча Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Тошкент вилоят кенгашининг Зангиота туманида бўлиб ўтган ўқув-семинари ҳам айнан шу масалага бағишланди. Мазкур тадбирда туман ва шаҳар бирлашган касба уюшма кўмиталари раислари, бошланғич ташкилотлар етакчилари иштирок эттишди. Ўқув-семинар иштирокчилари дастлаб Зангиота туманидаги 33-умумтаълим мактабидagi касба уюшма фаолияти билан танишдилар. Тадбирни вилоят кенгаши раиси Шўҳрат Деҳқонов «Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси IV курултойи қарорларини ҳаётга татбиқ этишда бошланғич ташкилотларнинг вазифалари ҳақида»ги маъруза билан бошлади.

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси кенгашининг ҳуқуқшуноси Н.Тиллахўжаева эса таълим муассасаларида меҳнат қонунийлигига риоя этилишини назорат қилишда касба уюшма раисларининг ваколатлари тўғрисида атрофлича тўхталиб

ўтди. Дарҳақиқат, кейинги вақтларда меҳнат муҳофазаси бўйича жамоатчилик асосида сайланган вакиллар фаолияти анча жонланиб қолди. Ангрэн шаҳридаги 73-мактаб-интернатидан жамоатчи вакил Р.Мамадалиева техника хавфсизлиги қонун-қоидаларига риоя қилинишини таъминлашда бошланғич ташкилотларнинг ўрни борасидаги иш тажрибалари, ўз фикр-мулоҳазалари билан уртоклашди.

Олмалик шаҳридаги 3-умумтаълим мактаби касба уюшма етакчиси Ш.Мадиярова «умумтаълим мактаби касба уюшма ташкилотида ташкилий ишлар, ҳужжатларни расмийлаштириш» борасидаги ишларнинг бажарилиши тўғрисида ўз иш тажрибасидан гапириб, олиб борилаётган ишлардан намуналар кўрсатди.

Тадбирда ходим-



Неъмат РАФИКОВ, «Ishonch» мухбири

Янгиликлар

Панорамаси

«Болалар спортини ривожлантириш» жамғармаси вилоят филиалининг маблағлари ҳисобидан келгуси йилда 21 та спорт иншооти қайта таъмирланиб, керакли жиҳозлар билан таъминланади.

Жамғарма маблағи ҳисобидан

Янги ўқув йилига қадар Чирокчи, Ғузор, Қамашчи, Қасби, Қосон, Қарши, Шаҳрисабз, Қитоб туманларидаги мактаблар қошидаги мавжуд спорт заллари замонавий тарзда қайта қурилади. Бунинг учун жамғарма ҳисобидан 3 миллиард 256 миллион сўм маблағ ажратиш режалаштирилган.

И. ИСОМИДИНОВ

Чуст шаҳридаги «Ёш техниклар» маркази фақат вилоят микёсидагина эмас, балки республика миқдарида ҳам кўпчиликлари таниш.

Ракетамодел усталари

Ушбу марказ катнашчилари раҳбарлари Наҳмиддин Зайлиддинов бошчилигида ўзлари ясаган моделлар билан турли кўрик-танловларда муваффақиятли иштирок этиб келмоқдалар. Ёш ракетамоделчилар навбатдаги голибликни қўлга киритишда ҳамда Қозоғистон Республикасининг «Бойқўнгир» космодромида ўтказилган танловда катнашиш шарафига муваффақ бўлишди. Улар Россия, Украина, Беларусь, Молдова, Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон давлатлари спорт усталари катнашган танловда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишди. Наҳмиддин Зайлиддинов «С-17 класс» бўйича космик моделлаштиришда ўзини кўрсатди. У ясаган космик кеманинг кичик нусхаси биринчи ўринни эгаллади ва «Бойқўнгир» куюбинини қўлга киритди. Лайло Зайлиддинова эса ракетамодел спортини бўйича халқаро ёшлар мусобақасининг «С-3» классиде катнашиб, иккинчи ўрин эгаси бўлди.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ, «Ishonch» мухбири

Раббимқул хожи Саидзимов Сирдарё вилоятида таникли тадбиркорлардан саналарди. Эндиликда унинг ишини фарзандлари Дилшод ва Шерзод давом эттиришмоқда.

Иш ўринлари яратилди

Ака-укалар маслаҳатни бир жойга қўйиб, «Маржинабону-Шаҳзода» хусусий ишлаб чиқариш корхонасини ташкил этишди. Мазкур корхонада экспортга мўлжалланган иш кийимлари, қоплар тикиляпти. Бу ерда 30 нафар хотин-қиз муқим иш ўрнига эга бўлди.

Бундан ташқари, улар қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ниятида. Полиэтилен маҳсулотларини қайта ишловчи цех ташкил этиш ҳам режалаштирилмоқда. Умумий қиймати 250 миллион сўм бўлган технологик линия лоийҳаси учун бизнес режа тайёр. Агар бу хайрли иш амалга ошса, фойдаланилган елим идишлар, целлофан қоплар қайта ишланади. Кичик корхонада яна 20 нафар киши иш билан таъминланади.

Анорбой НОРКУЛОВ, «Ishonch»нинг жамоатчи мухбири

Сойиб Тошкентбоев табиатан тиришқок ва ишбилармон йигит. У Заврок қишлоғида ёғ қуйиш шохбчаси очиб, унинг ёнида автоулов ювиш хонаси ва тузатиш устанонаси барпо этди.

Интиланганга толе ёр

Меҳмонхона, дўкон ва бошқа маданий-маиший хизматлар учун бинолар қурдирди. Икки қаватли ресторан қурилиши битиш арафасида. Қўкка сарраб турган фаввора, ховуз қўпчиликнинг кўзини қувонтирмоқда. Йўлкаларга гулли плиталар ётқизилган.

Айниқса, хориждан келтирилган субтропик гуллар ва мевали дарaxтлар мижозлар эътиборини тортмоқда. Яхши ниятлар билан экилган Ҳиндистон олмаси тобора барқ урмоқда. Дарвоқе, олма-лар киши чилласида гуллайди. Совуққа чидамли. Июнь-июл ойларида пишиб етилади.

Ж.ТУРДИЕВ

«Сўна» хусусий савдо ишлаб чиқариш фирмасини Кўшкўпри туманида билмаган йўқ. Унинг ташкил этилиши ва ривожиде тадбиркор Сўна Бобоҷонова кўп меҳнат қилган эди.

«Сўна» кредит олди


Эндиликда онаси бошлаган ишни ўгли Эркин Бобоҷонова давом эттираётир. Оилавий ушбу фирма шаҳарчадаги 1-ошхонада ишни кенг йўлга қўйиш мақсадида кредит олишга қарор қилди. Бизнес режа обдон ўрганиб чиқилган, уларга 10 миллион сўм миқдориде кредит берилди.

Меҳрибон ТИЛЛАЕВА



# Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касабасига Марказий кенгаши

*Соҳа ходимларини касб байрами билан самимий қутлайди. Инсон саломатлигини муҳофазалашдек шарафли ишларида муваффақиятлар тилайди.*



фактур маҳсулини мавзу қилиб олиш маъқул, деган жумбоқли томони бор эди. Гегель фалсафий мероси тадқиқ этилиши билан Европа ва умумжаҳон фалсафаси, унинг муаммолари, хусусиятларини тушунишга, таҳлил этишга йўл очилган бўлса, ўзига хос шарқона сифатларга, бетакрор қоида ва қонунларга бой Марказий Осие, жумладан, Ўзбекистон фалсафий тафаккури мазмун-моҳиятини илмий фалсафий нуқтаи назаридан пухта ўрганиш калитини қимдан излаш лозим?

қилишни хоҳларди. Бедил ижтимоий фалсафий қарашларида инсонга нисбатан муносабат, инсон фалсафаси масалалари алоҳида аҳамиятlidir. У одамзод ва башариятга ўз муҳаббати, меҳрибонлигини ифодалаб, инсонни Ҳазрат деб атади. Айтиш мумкин ҳар бир инсон ўз ватанининг содиқ фарзанди, ўз элининг гамхўри бўлмоғи лозим, дейди. Инсонга инсондек муносабатда бўлмаганларни қаттиқ қоралайди. Бу борада Бедилнинг куйидаги фикри, айниқса, диққатга sazovorдир:

Гулчиний инфюл қардан, Парвоз беруни бол қардан. Опро, ки пари хаёл қардан, Беруни дўкони шишагар нест. Яъни, ёронлар бўлмағур нарсани талаб қилдилар, қанотсиз учишни истадилар, шу билан улар шармандалик гулини тердилар. Холбуки, пари деб хаёл қилганлари шиша устаси дўконидан ташқарида эмас. Аллома бу мисраларни қайта-қайта ўқиб, хаёлга ботади, уларнинг маъзини чақади. Бедил бу мисраларда пари — худони шишасоз устаса, қонотни эса шиша устaxonасига ўхшатади. Шишасоз уста шиша ясаш билан машғул бўларкан, у албатта ўз устaxonасида

латни англаш ва фахрланишидир! — Худди шундай. Устознинг бу борадаги хизматларини санаб адоғига етиш қийин. Иброҳим Мўминов Шекспир қаҳрамонлари янглиғ, ўз юкнамаларини ўзида қолдириб, ҳеч қачон масъулиятдан қочмаган. Домла ўткир зеҳни, идроки, халқимизга бўлган муҳаббат, ихлоси билан буюк илмий-маданий тарихимизнинг ўн асрдан кўпроқ даврида фалсафий фикрлар эволюциясини, унинг ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилди; фалсафий билимлар ва тарихий шароитларнинг ўзаро муносабатларини, таъсирини, уларнинг бир-бирлари орасидаги диалектик алоқадорликни тадқиқ этди. Шундай қилиб, бутун бир тизимдан иборат мактаб — Иброҳим Мўминов фалсафа мактаби майдонга келди. Академик Иброҳим Мўминов халқий фикрий танбаллик, фикрий боқимандаликка ва охир оқибатда фикрий қолоқликка олиб келаётган «илмийликка» қарши эди. У ҳаққоний тарихимизни тиклаш, халқимизни ана шу бой тарих билан қуроллантириб, миллий гуруҳни, миллий фахр-ифтихорини уйғотишни истади. Устознинг орзулари истиқлолдан кейин ушалди. У бундан 45 йиллар олдин бошлаган, аммо давр таъйиқи билан йўққа чиқарилган эзгу ишлар ҳурматли Президентимизнинг «Ўзликни англаш тарихини билишдан бошланади» деган даъвати билан тарихга муносабатини ўзгартирди. Ушлаб донишманд аждодларимиз қатори соҳибқирон Амир Темури шаҳси ҳам миллатимиз фахр-ифтихорига айланди, уларнинг бой мероси қадрият даражасига кўтарилди. Шаҳсан юртбошимизнинг ўзи Амир Темури ҳақидаги бор ҳақиқатни айтди. Соҳибқирон халқро микёсда фақат буюк саркардаликка эмас, балки қудратли давлат салтанатини барпо этган, унда адолат тартибларини ўрнатган улуг давлат арбоби, фан ва маданият ҳомийси бўлган тарихий шахс сифатида тан олинди. Президентимиз фармони билан Иброҳим Мўминов «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирланди. ЎзРФанинг Фалсафа ва ҳуқуқ институтига Иброҳим Мўминов номи берилди. Шу ўринда донишманд Цицероннинг «Эзгу ниёти кишилар ўртасида барча нарса эзгуликка хизмат қилади» деган ҳикмати эсламиз келади. Зеро, Иброҳим Мўминов ҳам бир умр эзгу ниётда меҳнат қилди.

## Маънавият — инсон зийнати



Маънавият ўзи нима? Бу саволга ҳамма ўз қаричи билан жавоб бериши. Унинг моҳиятини очиб бериш эса қаричнинг қанақалигига боғлиқ.

## Даҳо фарзандларида...

хизмат кўрсатган маданият ходими Наим Ғойибов билан суҳбат

келинди. Ушбу фикрнинг чоғиш-тирма асослари мавжуд эди. Чунончи, Гегель фалсафаси ўз салоҳияти билан бутун Европа мамлакатларида кенг тарқалган бўлса, асли ўзбекининг барбос уругидан бўлган, Ҳиндистонда туғилиб, шу ерда яшаб ижод этган Бедил фалсафий даҳоси ҳам ўзининг кенг қамровлиги, теран фалсафий мазмуни билан нафақат Ҳинда, балки Марказий ва Жанубий Осие мамлакатларида ҳам оммавий равишда ёйилган эди. Танланган мавзу ва усул бўйича олим Бедил асарларини бирма-бир ўқиб-ўрганишга киришади. Булар ўн олти тоқсончи ўз ичига олган «Куллиёт» тўплами, «Чор унсур», «Ирфон», «Нукот», «Рубоёт», «Ғазалиёт», «Комде ва Мўдан» достони ва бошқалар эди. Тадқиқотчи Мирзо Бедилнинг ўз даври муҳити ва шароити доирасида ўткир савияли, чуқур фаросатли, кенг қамровли жаҳониятшунос эканлигини таърифлаб, асарларида ижтимоий ҳаёт, турмуш, ахлоқ масалалари моҳирона тасвирланганлигини қайд этди. Унинг ижтимоий масалаларга ёндашувида маърифатпарварлик, муруватлилик ва одиллик муҳасаммалашган, деган хулосага келади. У халқлар ва миллатларнинг иттифоқини, ҳамкорлигини истарди, диний, миллий низоларни бартараф

хурмат-эҳтиромга сазоворлигини тан олмаса, у малъундир. Бедил фикрича, дунё тўхтовсиз ҳаракатда ва ўзгариб туради. Мутоаққир Фано — йўқолиш ҳақида фикр юрийтиб, қалом тарафдорларидан фарқли ҳолда, фанони жисмларнинг батамом йўқолиши эмас, балки уларнинг ўзгариши, бошқа ҳолатга айланиши деб тушунади. Айтиш мумкин ҳар бир нарсанинг ўлими бошқа бир нарсанинг ҳаёти, деб таъкидлайди. Бедил ўлимнинг ҳақиқати, табиийлигини ва нарсаларнинг бир ҳолатдан бошқа бир ҳолатга ўтишини таъкидлаш билан чекланиб қолмайди. У ўлимдан сўнг абадийлик ҳақида ҳам ўз фикрларини баён этди. Шу ўринда Иброҳим Мўминов Шарқ пантеизмининг ўзига хос хусусиятини изоҳлайди. Чунончи, Шарқ пантеистик таълимоти, Ғарб пантеизмидан фарқли ўларок, ваҳдати вужуд (борлиқнинг бир вужудлиги) ва ваҳдати мавжуд (борлиқнинг ягона мавжудлиги) йўналишларида бўлилади. Олим Бедил пантеизми ваҳдати мавжуд йўналишга тобе эканлигини қайд этди ва бу фикрни асослаш учун ишончли далиллар келтирди. Бедилнинг куйидаги мисраларига эътибор беринг:

бўлади, ундан ташқарида бўлиши мумкин эмас. Демак, худо фақат дунё ичида, ўз устaxonасида мавжуддир, ундан ташқарида эмас. Иброҳим Мўминов Бедил фалсафаси оламга кириш учун унинг 120 минг мисра (насрода ёзганлари 30 босма табоқдан зиёд асарларини диққат билан мутолаа қилди ва тадқиқот калитини топди. Булардан устоз Иброҳим Мўминовнинг умри Гегель ва Бедил фалсафий қарашларини ўрганиш билан ўтган экан, деган уйга бориш ҳақидади. «Ўзбекистон» нашриёти томонидан чоп этилган тўрт жилдлик, жами 80 босма табоқдан иборат танланган асарлари 4-жилдда устоз илмий тадқиқотлари библиографияси билан танишган киши бунга амин бўлади. 165 та илмий тадқиқот, шундан 20 таси алоҳида монографиялар, китоблар, 42 таси тўплам ва китобларга бўлим ёки қисм бўлиб кирган ишлар, 19 таси рисолалар, қолганлари журнал ҳамда газеталарда чоп этилган катта-кичик мақолалардир. — Демак, алломаларимиз меросини Иброҳим Мўминов ўз вақтида бирма-бир ўрганган, моҳиятига етган, қадрлаган эканлар-да?! Бу нафақат илмий жасорат, балки ҳақиқий ватанпарварлик, мил-

Айнан шу масалада ёшларнинг фикрини билиш мақсадида сўровнома ўтказдик. Турфа қараш ва мулоҳазалардан бирда севинсак, айрим тор фикрлашга монанд жавоблардан таъбимиз озорланди. Улардан баъзиларини келтиришни жоиз топдик: ЎЗМУ 2-курс магистранти З.Чоршаев: «Бу ҳақида гапиришдан олдин кутубхонадан китоб олиб, бир варақча кўриш керак». Бу — олимликка даъвогар инсоннинг фикри. Айнан маънавият билан чамбарчас боғлиқ фаолият кишининг бу борада бош қотирмаганлигини қандай тушуниш мумкин?! Маънавиятни қалбидан ҳис қилмаган, англамаган одам қанақа қилиб илмий иш ёқлайди? Еклуб кетар, аммо бу «тадқиқот» илмда қанчалик аҳамият касб этади? Олий адабиёт курси талабаси Х.Нисонов: «Маънавиятдан олдин илмий тафаккурни ошириш керак. Кейин маънавият ҳақида гапиримиз». Қанчалик тўғри? Дарахтни илдизсиз, бинони пойдеворсиз қуриб бўлмагандай, маънавиятсиз инсон қандай қилиб илмий тафаккурга эриша олади? Боз устига илм оламида муайян ютуқларга эришмаган одамларни маънавиятсиз дейиш ҳам ҳақиқатдан йирок. Албатта, барча ёшлар шу хил фикрлайди, демократ эмасмиз. Улар орасида маънавиятни теран англайдиганлар кўпчиликини ташкил этади. Бу сўровнома жавобларида ҳам ақс этган. Жумладан, аспирант Ш.Ҳайитов шундай фикр билдирган: «Маънавиятни инсоннинг юршируши, муомала маданияти билан ўлчайман. Миллий қадриятларни, урф-одатларни қадрлай билган киши маънавиятlidir». Шунингдек, 1-курс магистранти А.Хужақулловнинг: «Ёшлардаги маънавият — унинг юрширушида, илмга интилишида, урф-одат ва қадриятларга, миллий анъаналарга бўлган ҳурмати ҳамда жаҳон халқларининг ўзига хос ихобий хислатларини ўзлаштириб, шунга мос тарзда эркин фикр юритиши» деган жавоби эътиборга лойиқ. Яна бир 1-курс магистранти О.Сафаров эса: «Ёшлар маънавияти — унинг дунёни англаши, бошқа миллатлардан фарқланадиган жиҳатлари, миллатнинг ўзлигини сақлашга ҳаракат қилиши», дея ҳар томонлама асосли муносабат билдирди. Биз дунёни қандай англаймиз? Миллатнинг ўзлигини сақлаш учун айнан оламшумул воқеа қилиш шарт эмас, ўзликни англаш, элюртта содиқлик, меҳр-муҳаббатга тула қалбнинг ўзи киёй! Сўровнома ўтказиш жараёнида жавоб беришдан қочиб, исм-фамилиясини ёзмастикни илтимос қилиш, агар ёзилса кейин ҳафтарчилик бўлиши ҳақида хатто оғохлантиришлар бўлди. Бу ҳолат ҳам маънавиятсизликнинг бир белгиси эмасми?! Маънавият ҳақида фикр билдиришнинг нимаси қўрқинчли? Маънавият ҳақида кўп ва хўп гапиримиз. Баъзан баландларвоз сўзлардан дод дейдиган аҳволга келинади. Бунинг боиси нима? Чунки, маънавиятли бўл, деган билан одам кенг тафаккур эгасига айланиб қолмайди. Шунингдек, маънавиятли бўлман деб тоғни талқон қилиш ҳам шарт эмас. Бунинг учун инсон деган номга лойиқ бўлиш етарли.

Суҳбатдош: Амина КОДИРОВА, «Ishonch» муҳбири

Улдона АБДУРАХМОНОВА, ЎЗМУ магистранти

